Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 4 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 155 (13.218)

Баҳоси эркин нархда

ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида кўп қиррали ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бормоқда.

Икки мамлакатнинг маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида 2016 йил 3 август куни Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг рафиқаси Акиэ Абэ ҳамда япон маданият ва санъат намояндаларидан иборат делегация мамлакатимизга ташриф буюрди.

Тошкент халқаро аэропортида Япония Бош вазирининг рафиқаси Акиэ Абэни Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Татьяна Каримова кутиб олди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар Президентимизнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида барқарор ривожланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил февраль ойида Японияга ҳамда Япония Бош вазирининг 2015 йил октябрда Ўзбекистонга расмий ташрифлари ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда маданий-гуманитар алоқалар муҳим аҳамият касб этмоқда. "Тараққиётга расмий ёрдам" дастури доирасида ҳамда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) орқали ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Японияда Ўзбекистон маданияти ва киноси кунлари ташкил этилмоқда. Кунчиқар юрт ижодкорлари мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро анжуманлар, хусусан, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашиб келмоқда.

Токиода буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилгани, Тошкентда Япон боғи ташкил этилгани, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳузуридаги халқаро маданият карвонсаройига япониялик олим ва мусаввир Икуо Хираяма номи берилгани халқларимизнинг маданий яқинлиги ифодасидир.

Делегациянинг ташрифи давомида Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган япон аскарлари дафн этилган хотира мажмуасини зиёрат қилиш, Ўзбекистон Амалий санъат музейи билан танишиш, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Японияниг "Драм Тао" ижодий жамоасининг концерт дастури намойиш этилиши белгиланган.

(ЎзА)

25 MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Пойтахтимиздаги "Polaris Technologies" хорижий корхонасида Жанубий Кореянинг "Samsung Electronics" компанияси билан ҳамкорликда "Samsung" савдо белгиси остида замонавий совуткичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси, "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси, "Samsung Electronics" компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ганиев, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Квон Ён У, "Samsung Electronics" компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Мин Шин Вунг ва бошқалар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил май ойида Корея Республикасига давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтарди. Ташриф доирасида имзоланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларга оид ҳужжатлар халқларимиз манфаатларига хизмат қилаётир.

Мазкур ташриф доирасида Жанубий Кореянинг "Samsung Electronics" компанияси билан ҳамкорликда замонавий совуткичлар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишга келишилган. Шу мақсадда "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси таркибига кирувчи "Artel" бренди остида совуткичлар ишлаб чиқараётган "Polaris Technologies" хорижий корхонасида Жанубий Корея, Япония, Италия ва Хитойдан замонавий дастгоҳлар келтирилди. Уларни ўрнатиш ва ишга тушириш тадбирлари "Samsung Electronics" компанияси экспертлари иштирокида бажарилди.

Умумий қиймати 4 миллион долларлик лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда "Samsung" бренди билан тўрт турдаги замонавий совуткичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

– Ўзбекистонда чет эллик инвесторлар учун жорий қилинган имтиёз ва преференциялар тизими мамлакатларимиз корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, янги технологияларни фаол жалб этган ҳолда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда, – дейди "Samsung Electronics" компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Мин Шин Вунг. – "Artel" компаниялар гуруҳи билан беш йилдан бери ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Ўтган даврда нафақат ички бозорни талабгор маҳсулотлар билан тўлдириш, балки қўшни давлатларга ҳам экспорт ҳажмини ошириш имкониятига эга бўлдик.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Бухорода "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 13 маҳалла жамоаси ўзаро баҳслашди. Иштирокчилар маҳаллалар фаолиятига оид иш тажрибасини слайдлар орқали намойиш этди. Маҳалла раиси ва мутахассисларининг билим савияси, дунёқараши, соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини қай даражада билиши, кундалик ҳаётда, иш фаолиятида учраб турадиган муаммоли вазиятларга нечоғли ечим топа олиши савол-жавоблар орқали баҳоланди.**

● **"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди.**

● **Хоразмда "Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси" танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Кўрик давомида "Сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа", "Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг яхши лойиҳа", "Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа" номинациялари бўйича биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган 6 нафар битирувчи қиз танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.**

● **Наманганда касб-ҳунар коллежларини битирувчи қизлар бандлигини таъминлаш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда битирувчилар билан имзоланган тўрт томонлама шартномалар ижроси ва бу борада учраётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди.**

● **Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида "Мустақиллик – миллий тикланиш ва юксалишдир!" шиори остида ёшлар форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таниқли адиблар, олимлар, рассомлар, ҳунармандлар, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этди.**

ЖАҲОНДА

● **Эртага, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридаги машҳур "Маракана" стадионида спорт оламидаги энг улкан мусобақа – Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Бироқ, кеча футбол бўйича Швеция ва Жанубий Африка Республикаси терма жамоалари ўртасидаги илк ўйин билан мусобақалар бошланди. Дастлабки 12 та медаллар тўпламининг соҳиблари эса 6 августда аниқланади.**

● **Сўнгги 30 йил ичидаги энг кучли "Нидо" тўфони Гонконг қирғоқларига етиб келди. Тўфон марказида шамолнинг тезлиги сониясига 42 метргача етган. Табиий офат кучли жала ва шамолни ҳам келтириб чиқарди. Табиий офат туфайли Гуандунда завод, мактаб ва бошқа муассасалар ёпилган, Гонконг-Чжухай-Макао кўприги қурилишида фаолият кўрсатаётган икки минг нафар киши хавфли ҳудуддан шошилинч эвакуация қилинган. Тўфон туфайли аэропортларда жами 156 та авиарейс бекор қилинган.**

● **Necksound аудиотизимида янги қулоқчин ихтиро қилинди. Янгиликнинг ажобтовурлиги шундаки, энди қулоқлар бўш туради, аммо мусиқа садоси қулоқларда янграйверади. Қулоқчин худди тақинчоқ сингари бўйинда осилиб туради ва ҳаракат эркинлигини таъминлайди. Бу тонгда югурувчилар ва велоспорт билан шуғулланувчилар учун жуда қулай. Necksound нафақат сифатли мусиқа эшитиш имконини, балки телефон қўнғироқларига жавоб бериш қулайлигини ҳам тақдим этади.**

XXXI ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрига етиб борган Ўзбекистон спорт делегацияси шарафига Олимпия шаҳарчасида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграб, давлат байроғи кўтарилди.

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари, Олимпия ўйинлари ташкилий қўмитаси ҳамда Рио-де-Жанейро шаҳри маъмурияти вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган.

Байрамона руҳда ташкил этилган маросимда Олимпия шаҳарчаси мэри, баскетбол бўйича Бразилия терма жамоаси таркибида жаҳон чемпиони бўлган Жанет дус Сантуш Аркаин Ўзбекистон спорт делегациясини XXXI ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этаётгани билан табриклаб, спортчиларимизга бўлажак мусобақаларда омад тилади.

– Давлатимиз байроғининг кўтарилишига бағишланган тадбир ёрқин воқеа бўлди, – дейди таэквондо (WTF) бўйича жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин. – XXXI ёзги Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб, халқимиз, Президентимиз ишончини оқлаш учун бор кучимиз, имкониятимизни ишга соламиз.

– Бугунги тадбир қалбимизда озод ва обод Ватанимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни, фахр ва ифтихор туйғуларини янада жўш урдирди. Биз тўрт йилликнинг энг йирик спорт байрамида Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини намоён этишга астойдил бел боғлаганмиз, – дейди юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионати совриндори Элмурод Тасмуродов. – Ниятимиз XXXI ёзги Олимпия ўйинларида юртимиз шарафини янада улуғлаб, энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамини муносиб совға билан кутиб олишдир.

XXXI ёзги Олимпия ўйинларида спортчиларимиз академик эшкак эшиш, бадиий гимнастика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, бокс, дзюдо, енгил ва оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши каби спорт турлари бўйича ўтказиладиган беллашувларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

"Адолат" социал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, мутахассислар, журналистлар иштирок этди.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Н.Умаров ва бошқалар атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилаётган доимий эътибор жамиятимизни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Юртимизнинг ўсимлик олами хилма-хиллиги, ўзига хослиги билан бошқа минтақалардан ажралиб туради. Табиатимизда учрайдиган тўрт ярим мингдан ортиқ ўсимлик турининг уч мингдан кўпроғи ёввойи ҳолда ўсади. Уларнинг қарийб ўн фоизга яқини эндемик тур бўлиб, дунёнинг бошқа ҳудудларида учрамайди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ушбу ноёб табиий бойликларни асраб-авайлаш, оқилона фойдаланиш, камёб турлар йўқолиб кетишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу соҳадаги ишларни ташкил этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни ушбу ишларда муҳим дастуруламал бўлаётир.

"Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасида бу борадаги чора-тадбирларни янада кенгайтириш, атроф-муҳит муҳофазасига йўналтирилган ишларни ривожлантириш назарда тутилган.

Йиғилишда мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича "Адолат" социал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси нуқтаи назари муҳокама этилди.

– Фракциямиз аъзолари қонун лойиҳасига давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ваколатларини янада мустаҳкамлаш, камёб ва йўқолиш арафасида турган ноёб турларни мамлакатимиздан олиб чиқиш ва олиб кириш тартиб-тамойилларини такомиллаштириш билан боғлиқ таклиф-тавсияларни илгари сурди, – дейди ЎзА мухбирига "Адолат" социал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Даврон Тангиров. – Қуриган дарахт ва буталарни кесишга рухсат олиш тартибини соддалаштириш, атроф табиий муҳитининг давлат мониторинги ягона тизимини амалга ошириш механизмларини кучайтириш ҳам муҳокама этилди.

Янги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда табиатни муҳофазалаш, хусусан, ўсимлик дунёсидан фойдаланишга оид ишларни янги босқичга олиб чиқиш ва экологик мувозанатни сақлашга хизмат қилади.

Б.ХИДИРОВА

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

290 ва 320 литр ҳажмли "Samsung" совуткичларида R-600 экологик хавфсиз хладагентлари, шунингдек, А+ тоифали энергия тежамкор инверторли компрессорлар ўрнатилган. Ишлаб чиқариш жараёнига кучли сифат назорати тизимлари жорий этилган. Замонавий технология ва лаборатория, малакали мутахассислар маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлаш имконини беради.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Биринчи босқичда маҳаллийлаштириш даражаси қарийб 40 фоизни ташкил этади. Келгусида маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш даражаси янада кенгайтирилади.

Янги линиянинг ишга туширилиши натижасида қирқдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежи битирувчилари эгаллади.

– Алоқа касб-ҳунар коллежини тамомлаб, шу ерга ишга кирдим, – дейди йиғувчи Шерзод Назаров. – Энг замонавий технологиялар ёрдамида дунёга машҳур бренд остида маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳиссамизни қўшаётганимиздан ғурурланамиз, айни пайтда бу бизга улкан масъулият юклайди.

Янги турдаги маиший техника воситасидан жорий йил охирига қадар 6 минг дона ишлаб чиқариш режалаштирилган. Экспорт ҳажмини ошириш мақсадида "Samsung Electronics"нинг дистрибьютерлик тармоқларидан фаол фойдаланиш кўзда тутилган.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири



Отабек Мирсоатов олган суратлар

Куни кеча Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги томонидан маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. Унда Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Ш.Аҳмедов брифинг иштирокчиларини туманда мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш, кузги-қишги мавсумга тайёргарлик кўриш борасидаги ишлар, шунингдек, туманнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан яқиндан таништириб ўтди.

КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Жумладан, Мирзо Улуғбек туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, экспорт қилинаётган маҳсулотлар турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, хусусий мулкни мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасида амалга оширилган ишлар ва вазифалар тўғрисида журналистларга атрофлича ахборот берилди.

Маълумки, Мирзо Улуғбек тумани пойтахтнинг энг йирик туманларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда туманда 54 та маҳалла ва 1361 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи 361 та ХУЖМШ ҳамда 20 та бошқарув компаниялари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Туман ҳудудида "Наврўз" деҳқон бозори ва унинг 5 та шохобчаси ҳамда бир нечта йирик савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари мавжуд.

Шунингдек, 12 та тижорат банклари филиаллари, 6 та олий ўқув юрти, 33 та мактаб, 57 мактабгача таълим муассасаси, 10 та коллеж, 4 та академик лицейлар фаолият юритади.

Бундан ташқари туманда 19 та шифохона, 4 та маданият ва истироҳат боғи ва 5 та дам олиш масканларида фуқароларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун барча имкониятлар яратилган.

Брифингда туман иқтисодиёти юксалишида 12 та йирик саноат корхоналари, 5343 та кичик бизнес субъектлари муҳим ўрин тутиб келаётгани қайд этиб ўтилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмига белгиланган Маҳаллийлаштириш дастури режаси бўйича дастурга киритилган 6 та корхонанинг 10 та лойиҳаси учун белгиланган прогноз параметрлари ортиғи билан бажарилди.

Туман "Экспорт салоҳиятини ошириш дастури" доирасида биринчи ярим йилликда 68,3 млн АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиниб, белгиланган режа 100,2 фоизга бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги қарори билан тасдиқланган "Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"га асосан туман бўйича йил давомида 10297 та иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Биринчи ярим йилликда Дастур доирасида 4767 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, амалдаги режа 100,3 фоизга бажарилди.

2016 йилги туман Инвестиция дастури доирасида Ёнғин хафсизлиги депоси қурилиши ҳамда Республика от спорти бўйича олий маҳорат мактабини реконструкция қилиш ишлари шу йилнинг 25 декабригача якунланиши кўзда тутилган. Шу билан бирга тумандаги 2 та академик лицей, 2 та касб-ҳунар коллежлари, 4 та умумтаълим мактаблари ва 3 та мактабгача таълим муассасаларини мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Брифингда туманда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишлари бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган режалар хусусида фикр алмашилди.

Тадбир сўнгида журналистлар томонидан берилган барча саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.

(Ўз мухбиримиз)

ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

***Ҳақиқат қиёсда очилади.** Гап истиқлол тарихи ҳақида кетар экан, бу пурмаъно ҳикматни қайта-қайта такрорлашдан эринмаслигимиз керак. Чунки таққослаш асносида биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни янада теранроқ англаймиз. Қиёслаш учун эса асос – етарли. Чунки бугунги ёши улуғ фуқароларимиз эски тузумни кўрганлар ва истиқлолнинг шарофатига ҳам гувоҳ бўлиб келишяпти.*

Ким эдигу ким бўлдик?

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Тарихни эслайдиган бўлсак, юртимиз илгари иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлка эди. Юртбошимизнинг 1989 йилнинг 19 августидаги нутқидаги мана бу сўзларга эътибор қилайлик: ***"... Республика халқ хўжалиги бирёқлама, айтиш мумкинки, ҳаддан ташқари номақбул ихтисослаштирилган. Натижада шундай аҳвол вужудга келдики, қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноатда ҳам хомашёни бирламчи қайта ишлаш тармоқлари устунлик қилмоқда, тайёр маҳсулот, биринчи навбатда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқлар эса арзимас салмоққа эга".***

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланди. Бу борада иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етди. Ҳолбуки, ўтган асрнинг 90-йилларида юртимизда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бор-йўғи 14,1 фоизни ташкил этар эди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши ҳозирги пайтда 70 фоиздан ошгани жуда кўп нарсадан далолат бериб турибди.

Индустриал давлатга айланиш ҳар қандай мамлакат учун ҳам ўз-ўзидан бўлиб кетаверадиган масала эмас.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кўплаб йирик корхоналар ва иншоотлар барпо этилди. Улар қаторида дастлаб қурилган уч буюк корхонани алоҳида қайд этиш лозим.

1996 йили Асакада автомобиль ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилди. Бу билан юртимиз жаҳондаги автомобилсозлик йўлга қўйилган 28 мамлакатнинг бирига айланди. Ҳозир мамлакатимиз йўлларида юрган ҳар тўрт автомобилнинг учтаси ўзимизда ишлаб чиқарилган. Чунки "Женерал моторс – Ўзбекистон" автомобиль заводи, Президентимиз таъбири билан айтганда, ***"Ўзбекистон саноатининг наинки локомотивларидан бири, айни вақтда фахри, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди".*** Бу ерда йилига 250 минг автомобиль ишлаб чиқариляпти.

Энди шунча машинага етадиган ёнилғи ишлаб чиқариш, мамлакатнинг нефть мустақиллигига эришиш керак эди. 1997 йили Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилиши билан мамлакатимизнинг нефть мустақиллиги қўлга киритилди.

Мустабид тузум даврида эса республика эҳтиёжини таъминлаш учун ҳар йили 6-7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотларини четдан келтиришга мажбур бўлганмиз.

2006 йили ишга туширилган Қўнғирот сода заводи бу гигант саноат марказларининг учинчиси бўлди. Оролнинг қуриши оқибатида жуда катта майдонларни туз қоплади. Олимлар ўрганса, бу тузларда ойна, яъни шиша ишлаб чиқаришда керак бўладиган сода учун зарур таркиб бор, унинг захираси эса 100 йилга етар экан. Қувасойдаги ойна заводи сода хомашёсини четдан олиб келар эди. Энди эса бундай ноёб сода ҳам ўзимизга етяпти, ҳам уни четга экспорт қиляпмиз.

Биз бу ерда мамлакатимизда бунёд этилган дастлабки уч буюк заводгагина алоҳида тўхталдик, холос. Улардан кейин яна кўплаб улкан саноат комплекслари қурилиб, саноатлашиш жараёнини янада тезлаштирди. Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси, "Шўртангазкимё" комплекси, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Самарқанддаги "Самавто" корхонаси, Тошкент вилоятидаги автомобиль моторлари ишлаб чиқарадиган замонавий завод, Хоразмнинг Питнак шаҳрида барпо этилган замонавий енгил автомобиллар чиқарадиган корхона, Сирдарё иссиқлик электр станцияси ва бошқалар шундай улкан индустриал қурилишлар ҳисобланади. Ёки "Навоий", "Ангрен", "Жиззах" махсус индустриал зоналарининг ташкил этилгани иқтисодиётимиз равнақи, хусусан, саноатлашиш жараёнини янада тезлаштиришда улкан қадам бўлди.

Собиқ иттифоқ даврида республика аҳолисининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжи, асосан, тайёр маҳсулотларни четдан сотиб олиш йўли билангина қондирилар эди. Иқтисодиётнинг қатъий қонуни шундайки, импорт ҳисобига яшаган ҳеч бир халқ бойимайди. Ривожланишни истаган ҳар қандай давлат импортни камайтириб, экспортни кўпайтириш йўлидан юриши керак. Бунинг учун эса мамлакатнинг ўзида товар ишлаб чиқаришни кучайтириш зарур. Саноатни ривожлантирмай туриб товар ишлаб чиқаришни кўпайтириб бўлмайди.

Оддийгина бир мисолни мушоҳада қилиб кўрайлик. Бир гектар ерга энг қимматбаҳо экин экиб ҳам, ҳатто, уни иссиқхона қилиб ҳам бир гектар майдонни эгаллаган завод ёки фабрика келтирадиган иқтисодий фойдани олиб бўлмайди. Чунки қишлоқ хўжалигида йилига бир, нари борса, икки бор ҳосил олинади. Завод ёки фабрикани эса уч сменада кечаю кундуз ишлатиш мумкин.

Мамлакатни индустрлаштиришнинг зарурати ва аҳамиятини шу содда қиёсдан ҳам билиб олса бўлади. Шунинг учун бизда **мустақилликнинг бошидан саноатни ривожлантириш йўли маҳкам тутилди.** Бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келаётган нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2015 йил бошида сайловчилар билан учрашувлардан бирида муҳим масалага аниқлик киритиб ўтди:

"Бир пайтлар баъзи вилоят ва туман раҳбарларимиз, биз – аграр республика, деб мақтаниб юрарди. Улар нимани ўйлаган – мен билмадим. Умрбод СССР таркибида бўламиз, деб ўйлаганми?

Бу одамлар озгина фикрлаб кўрса бўлардики, сув, ер етишмаса, халқимиз кўпайиб бораётган бўлса, фақат ғалла, пахта, сабзавот етиштириш билан мамлакатимизнинг тараққиётини таъминлаш мумкинмиди?"

Бу мулоҳазалардан очиқ-ойдин англашилиб турибдики, мамлакат тараққиётига эришиш учун биринчи навбатда саноатни равнақ топтириш керак. Саноатнинг қишлоқ хўжалигига нисбатан бир неча карра самарадорлиги – бутун дунёда исботланган ҳақиқат. Ўзбекистоннинг бу борадаги аввал-бошдан белгилаб олган йўли аниқ, пухта-пишиқ эди. **Ҳақиқатдан ҳам иқтисодиётда бирёқлама сиёсат олиб бориш, дейлик, фақат қишлоқ хўжалигига боғланиб қолиш – хавфли ҳолатлиги маълум.** Саноатни изчил ривожлантириш эса ана шунинг олдини олади, албатта.

Шунинг учун ҳам ўз мустақиллигига эришганидан кейин Ўзбекистонимиз олдида ана шу аграр мамлакатни индустриал давлатга айлантириш масаласи кўндаланг бўлиб турар эди. Бу иқтисодий ислоҳотларнинг туб йўналишини белгилаб берар эди. Чунки **саноати ривожланмаган мамлакатлар бозорини импорт маҳсулотлари эгаллаб олади. Импорт товарлар эса ҳамиша қимматга тушади.**

Мамлакатда саноатни ривожлантириш учун корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, яъни уларни хусусийлаштириш, шу тариқа ишлаб чиқаришда манфаатдорликни ошириш, технологияларни янгилаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш, янги-янги корхоналар ташкил этиш, бунинг учун хорижий инвестицияларни шунга йўналтириш ва бошқа кўплаб йўналишларда катта ишлар қилиш зарур эди.

Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш – ҳозирги босқичда энг устувор вазифаларимиз қаторида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ушбу стратегияни янада ривожлантириш мақсадида **2015 – 2019 йилларга мўлжалланган янги Маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди.** Мазкур дастурда умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд 600 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Буларнинг бари – амалда халқ фаровонлиги учун. Рақамлар тили билан ифодалаганда, ҳар қандай масаланинг кўлами киши кўз олдида янада теранроқ ва яққолроқ намоён бўлади. Бинобарин, ана шу йўналиш изчил амалга оширилгани туфайли ҳам **мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошди. Олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб боряпти.**

Саноатни республикада мавжуд завод ва фабрикаларни унумли ишлатишнинг ўзи билангина ривожлантириб бўлмаслиги – аён. Аввало, саноатнинг янги-янги соҳаларини жорий этиш, қолаверса, эски технологиялардан тамоман воз кечиб, замон талаблари даражасидаги саноатни йўлга қўйиш лозим эди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: ***"Биз... энг оғир, энг қийин, лекин келажаги бор йўлни танладик. Инвестицияларни, аввалambor, иқтисодиётимизни тубдан ўзгартиришга, юқори технологияларга асосланган янги замонавий саноат корхоналарини барпо этишга йўналтирдик. Ва бугун ана шундай узоқни кўзлаган ишларимиз қандай юксак самара бераётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз".***

Яна бир нарсага аниқлик киритиб ўтишимиз зарур. Мамлакатда саноатни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига эътиборни камайтириш, деган маънони англатмайди, албатта. Бизда истиқлол йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати ривожи учун кенг йўл очиб берилди. Бугунги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90–92 фоизини ишлаб чиқараётганидан ташқари, қишлоқ тараққиёти учун масъулиятни ҳам ўз зиммасига олган тузилмага айланиб боряпти.

1990 йили мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, аввало, дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқариляпти, мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,6 карра, картошка – 1,7 марта, сабзавот – 2 баробардан ортиқ, мева – қарийб 4 карра кўпайди ва шу тариқа бу борадаги ислоҳотларнинг амалий тасдиғи сифатида элюртимиз фаровонлиги тобора ортиб боряпти.

Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллади. БМТ кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган **"Бутунжаҳон бахт индекси"да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни олди.** Буларнинг бари юртимизда барқарор тараққиёт суръатлари таъминланаётганини кўрсатади.

Саноатни фақат бир-икки ердагина ривожлантириш билан асл мақсадга эришиб бўлмайди. Бизда саноат амалда мамлакатимизнинг барча минтақаларида равнақ топиб боряпти (Бу ҳақда газетамизнинг 2 август сонидаги "Шарафли йўл моҳияти" сарлавҳали мақоламизда батафсилроқ маълумот берилган).

Саноатни ривожлантириш ишларни комплекс тарзда ташкил қилишни тақозо этади. Биз шу йўлни қатъий тутдик. Бир мисол келтирамиз. Ўтган асрда Қашқадарё вилоятидаги тоғлар бағрида сильвинит минераллари захираси борлиги аниқланган. Бироқ ҳеч ким уни қазиб олишни йўлга қўйишга қўл урмаган эди. Мустақиллик бунга имкон берди. Чунки бу ёқларда шундай завод қуриш учун аввал темир йўл керак эди. 2007 йили 223 километрлик Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли қурилиб, фойдаланишга топширилди. Темир йўл битиши билан Тепақўтон калий туз кони асосида Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи қурилиши лойиҳасини тайёрлаш ва унга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар бошланиб кетди. 2010 йил ёзида эса шу завод ишга туширилди. Калийли сильвинит минераллари дунёда жуда кам учрайди. У бор-йўғи 14 та давлатдагина мавжуд. Биз шу сафга қўшилдик. Тепақўтонда 215 миллион тоннадан ошадиган сильвинит захираси бор. Захира жиҳатидан жаҳонда 10-ўринда турамиз.

Юртимизда ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришилди. Бой минерал хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини тубдан қайта ишлашга асосланган замонавий технологияларни жалб этган ҳолда корхоналарни модернизация қилиш, техникавий ва технологик янгилашнинг кенг кўламли дастурларини изчил амалга ошириш таъминланмоқда. Энергетика, нефть ва газ кимёси, рангли металлургия, кимё ва тўқимачилик саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика ва микробиология, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби иқтисодиётимиз тараққиётининг локомотиви ҳисобланган, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Биз инвестиция сиёсатида мураккаб, лекин тўғри йўл танладик. Баъзи давлатларга ўхшаб, ички бозорни турли-туман моллар билан тўлдиришга зўр бериб, олинган кредитларни, валюта маблағларини қисқа муддатда сарфлаб тамомлаганимиз йўқ. Инвестициялар, аввалambor, иқтисодиётимизни тубдан ўзгартиришга, юқори технологияларга асосланган янги замонавий саноат корхоналарини барпо этишга йўналтирилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз – ер ости ва ер усти бойликларининг улкан захираларига эга. Бу эса мамлакатда саноатни ривожлантириш учун энг муҳим омил ҳисобланади. Саноатни ривожлантиришда мамлакатимизда: *"Инвестиция – бу тараққиёт гарови"*, деган оқилона шиорга изчил амал қилиб келиняпти.

Яқин келажакда Ўзбекистонимиз дунёнинг энг ривожланган индустриал давлатларидан бирига айланишига ишончимиз комил. Бунинг учун бизда барча имкониятлар ва шарт-шароитлар мавжуд.

Олим МАҲМУДОВ

ЁШЛАР ДАВРАСИДА

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ёшлар ижод саройида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб "Мустақиллик – менинг тақдиримда" мавзуида онлайн мулоқот ташкил этилди.

"Камолот"да меҳмонда" лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Нилуфар Аббосхонова, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони совриндори Бобур Зокиров иштирок этди.

Мамлакатимизда бунёд этилган замонавий таълим муассасалари ва спорт иншоотлари ёшлар камолотига хизмат қилмоқда. Улар бизнес, фан, маданият, спорт соҳаларида улкан ютуқларга эришмоқда.

– Президентимизнинг биз, ёшларга қарата бўш келманглар, болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники, деган сўзлари бизни доимо олға интилишга, ташаббускорлик кўрсатиб, шу юртга муносиб авлод бўлишга ундайди, – дейди ЎзА мухбирига "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби, "Зиё глобус" корхонаси раҳбари Бобур Зокиров.

Онлайн мулоқотда юртимизнинг турли ҳудудларидаги ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

А.ҚИЁСОВА



Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Тошкент шаҳрида жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар йўлга қўйилган.

ЭКОЛОГИЯ БОРАСИДАГИ САМАРАЛИ ИШЛАР

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2016 йил 23 февралдаги "Ҳудудларда жамоатчилик экологик назорат тизимини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 51-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, қўмита раисининг 2016 йил 29 февралдаги 49-сонли тегишли буйруғи қабул қилинган бўлиб, унга асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларида экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини ташкил этиш, экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлар фаолиятини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, туманларда жамоатчилик экологик назоратини ташкил этиш ва экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар иштирокида жойларда ўқув-семинарлари ва тушунтиришлар ўтказиб келинмоқда.

Тадбирлар давомида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сонли "Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 17 февраль куни тасдиқланган "Ўзбекистан Республикасида жамоатчилик экологик назорати институтини ривожлантириш тўғрисида"ги 14/3-2551-сонли тадбирлар режасидан келиб чиқиб, туманларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига услубий кўмак бериш орқали улар таркибида ҳамда шаҳримиз фуқаролари орасидан экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларини ташкил этиш ва бошқа долзарб масалалар чуқур муҳокама этилади.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилаётган экологик назоратчиларга яқиндан амалий ва услубий кўмак бериш мақсадида, қўмитада жамоатчилик экологик назорати фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус марказ ташкил этилган.

Марказ томонидан дастлабки ўтказилган ўрганишлар натижасида, Тошкент шаҳридаги мавжуд 11 та туманларнинг жами 505 та маҳаллаларида "Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича" махсус комиссиялар самарали фаолият юритиб келаётганлиги маълум бўлди.

Мазкур комиссиялар фаолияти ҳамда жойларда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида қўмита томонидан бевосита жойларга чиқилди.

Хусусан, Миробод туманидаги "Файзиобод" маҳалласида Наврўз байрами арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашари доирасида кўчалардаги ариқлар ва ирригация тармоқлари чиқиндилардан тозаланган, кўчалардаги дарахтлар оқланиб, уларга шакл берилган ҳамда 300 тупдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ва 500 га яқин ҳар хил турдаги гул кўчатлари экилган.

Қолаверса, маҳалла ҳудидида бўш қолган майдонлардан унумли фойдаланиш мақсадида, аҳоли томонидан 4 та янги боғлар барпо этилган бўлиб, ушбу боғлар ҳудудида 700 тупга яқин манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилган. Ушбу боғларга экилган кўчатларни аҳоли томонидан ўз вақтида парваришлаш ва доимий суғориш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Бундай ижобий ишларни шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Олмазор туманининг Беруний, "Зиё", Бектемир туманининг "Олтинтопган", Абай, Ҳусайн Байқаро, "Мажнунтол", Яшнобод туманининг "Гулистон", "Машинасозлар", "Тузел" маҳаллалари, Юнусобод туманининг "Умид", "Ўзбекистон Мустақиллиги", "Аҳилобод", Мирзо Улуғбек туманининг Нодирабегим, "Дарҳон", "Азамат", Чилонзор туманининг "Катта Қозиробод", "1-Қатортол", "Новза", Яккасарой туманининг "Қушбеги", "Дилбулоқ", "Яккасарой", "Яккасарой-2" маҳаллалари шулар жумласидандир.

Шунинг билан бирга, шаҳримизда мавжуд жами 505 та маҳаллалар қошидаги комиссиялар таркибидан экологик назоратнинг жамоатчи инспектори бўлиш истагини билдирган 505 та фуқароларнинг аниқ рўйхати шакллантирилган бўлиб, ҳозирги кунда улар билан тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Қўмитанинг энг асосий мақсадларидан бири, бу — экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари фаолиятини муваффаққиятли йўлга қўйиб, уларнинг экология ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича билим ва кўникмаларини янада ошириш, улар иштирокида манзилли махсус ўқув-семинарларни ташкиллаштириб, ҳар томонлама услубий кўмаклар беришдир.

Бу билан пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Зеро, ҳар биримиз атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга масъулдирмиз. Шундагина юртимизда ўсиб келаётган келажак авлодга нафақат соф мусаффо ҳавони таъминлаб берган, балки она табиатимизнинг гўзал манзараларини асллигича қолдирган бўламиз.

Азизжон КАЛИМБЕТОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
Ахборотлаштириш ва тарғибот бўлими бошлиғи

МАЪРИФИЙ СУҲБАТЛАР

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Сергели ўқув спорт техника клуби"да Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган "Буюк юртнинг залворли одимлари" мавзуида маънавий-маърифий суҳбат ўтказилди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз, халқимиз бу буюк бахтга осонликча эришгани йўқ. Зотан, ўтмишини унутган халқнинг келажаги бўлмайди, деган пурмаъно гап замирида катта маъно мужассам. Демак, бугунги дориломон кунлар ҳақида сўз юритганда аввало кечаги ўтмишимизни бир бора эслаб қўйишимиз ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу борада Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Мураббийлар кенгаши раиси Аброр Хидиров ҳам атрофлича маълумот бериб ўтди.

Давра суҳбатида ўша суронли даврни ўз кўзлари билан кўрган, кўплаб воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлишган ЎзМУ мураббийлари аниқ мисоллар билан изоҳлаб бердилар. Тингловчилар бу борада ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар. Ижодий суҳбат тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

* * *

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига 25 йил тўлиши муносабати билан Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан кўплаб байрам тадбирлари ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент Бирлашган техника мактабида "Ватаним, қутлуғ тўйинг муборак!" шиори остида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тадқиқотчиси С.Эшмуродов иштирок этиб, бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб берганини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти тасарруфидаги бошқа Ўқув спорт техника клуби ходимлари ва спортчилари ҳам қатнашди. Шунингдек, тадбир давомида мазкур даргоҳда таҳсил олувчи ёшлар ўртасида мактаб фаолиятида фаол иштирок этиб, яхши кўрсаткичлар кўрсатган бир қатор курсантларга фахрий ёрлиқлар топширилди. Уларнинг ота-оналари эса миннатдорчилик хатлари билан тақдирландилар.

Зиёда РАСУЛОВА

СУВДАН ТЕЖАМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Учинчи минг йилликнинг бошланиши икки муҳим тенденция билан боғланади. Биринчидан, ҳозирги цивилизация глобал экологик муаммоларга дуч келди (иқлим ўзгариши, озон қатламининг емирилиши, ичимлик сувининг танқислиги ва ифлосланиши, ер ва ўрмонлар таназзули, биохилма-хилликнинг қисқариши, кўп миқдорда чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ҳамда уларни утилизациялаш муаммоси ва хоказо). Иккинчидан, дунё жадал суръатлар билан ўзгариб бормоқда. Шунинг учун кечаги мезонлар билан ҳозирги вазиятни объектив баҳолашнинг иложи йўқ, келажак истиқболларини белгилаш ҳақида сўз юритмаса ҳам бўлади.

Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати, унга инсонларнинг таъсири ва муҳофаза қилиш, шунингдек, табиий ресурслардан фойдаланишни баҳолаш механизми ёки кенг маънода умумлаштирилган интеграл таҳлили сўнгги йигирма йилда катта одимлар билан ривожланди. Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлик сиёсати Конституция, қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси, атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро ва Йоханнесбург Декларацияларининг тамойиллари асосида халқаро конвенциялар ва шартномалардан ҳамда етакчи давлатларнинг қонунчилик соҳасидаги тажрибаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Бугунги кунда республикамиз экологик сиёсати табиатнинг алоҳида унсурларини ҳимоя қилишдан экотизимни умумий ҳимоялашга ўтишга, инсон яшайдиган муҳитнинг ҳаёт кечириш учун қулай жиҳатларини кафолатлашга йўналтирилган. Бундай экологик сиёсатнинг амалга оширилиши халқ хўжалиги мажмуаси, умуман, жамиятнинг барқарор ривожланиши шартларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати натижаларидан бири инсон саломатлиги учун юқори даражадаги хавфга эга ҳудудларда атроф-муҳит сифатини яхшилаш ва экотизимни барқарорлаштиришдан иборат бўлди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган "Ўзбекистон Республикасида табиатдан оқилона фойдаланишнинг илмий асосланган иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини жорий қилиш" жараёни давом эттирилмоқда. Ўзбекистонда ҳал қилиниши зарур бўлган биринчи навбатдаги вазифалар экологик муаммоларнинг мураккаб узвий боғлиқликлари ва уларнинг кўп жиҳатдан тармоқлараро тусга эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Сув табиатда содир бўладиган асосий жараёнларда, шунингдек, инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Саноатда сув хомашё ва энергия манбаи, совитувчи ёки иситувчи, эритувчи, экстрагент, хом ашё ва материалларни ташувчи восита сифатида ва бошқа эҳтиёжлар учун ишлатилади.

Технологик жараёнда ишлатиладиган ҳамда айланма ҳаракат тизимидаги сувнинг сифати юқори бўлиши керак. Сувнинг сифати деганда, унинг саноат корхонасида ишлатилиши мумкинлигини таъминловчи физик, кимёвий, биологик ва бактериологик кўрсаткичлари йиғиндиси тушунилади. Баъзан таркибида туз миқдори 10-15 г/м³, қаттиқлиги 0,01 моль-экв./м³ дан юқори бўлмаган ва оксидланиши 2г O_2 /м³ га тенг бўлган сув керак бўлади. Корхоналарда тоза сув сарфини камайтириш мақсадида айланма ва ёпиқ тизимли сув таъминоти ҳосил қилинади.

Саноат корхоналарида фойдаланилаётган сувлар турли моддалар билан ифлосланиши натижасида яроқсиз ҳолга келиб қолаяпти. Ушбу оқава сувларни маҳаллий тозалаш иншоотиниң ўрнатиш ҳисобига етарли талаб даражасигача тозалаб қайтадан шу корхонанинг ўзида фойдаланишни ташкил қилиш ҳисобига сувдан ёпиқ занжирли тизимда фойдаланишга эришиш мумкин.

Биологик тозалаш жараёни тўғри тўртбурчак шаклидаги тўрт секцияли аэротенкларда фаол лойқа иштирокида олиб борилади. Аэротенклар мавжуд технологик схемада асосий қурилмалар, яъни реактор-коагулятор ва вертикал тиндиргичлардан кейин жойлаштирилади. Аэротенкда тозаланган оқава сув иккиламчи тиндиргичга берилади ва у ерда фаол лойқа сувдан ажратиб олинади.Фаол лойқанинг керакли миқдори стабилизаторда ҳаво ёрдамида регенерацияланиб, сўнг аэротенкка қайтарилади, ортиқча қисми эса лойқа майдончаларида қуритилиб, ўғит сифатида фойдаланишга берилади.

Ушбу биологик усулнинг амалдаги технологик схемага киритилиши катта маблағ талаб қилмайди ва айланма ҳаракатга киритилаётган сувнинг миқдорини ортиши ҳисобига тоза сувни тежаш ҳамда сув ҳавзасига ташланаётган сувни талаб нормаларига етказилиши ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятини яратади.

Келтирилган натижаларга биноан сувнинг таркибидаги муаллақ заррачаларнинг миқдори ўртача 95%, кислородга бўлган эҳтиёж кўрсаткичи $КБЭ_5$ – 78-82%, эриган минерал моддалар миқдори 85-90% гача камаяди.

Шундай қилиб, оқава сувларнинг қўшимча биологик тозаланиши ҳисобига сувдаги эриган органик ва минерал моддалар ҳамда елим моддаси тегишли микроорганизмлар таъсирида тўлиқ парчаланиб, сувнинг тўлиқ тозаланишига ва корхонада сувдан ёпиқ занжирли тизимни ташкил қилишга эришилади.

Ф.ФАТХУЛЛАЕВ,
давлат инспектори



КАМЧИЛИКЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Давлат инспекцияси инспекторлари томонидан пойтахтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича назоратни таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларида ва давлат бюджети хисобидан молиялаштириладиган ташкилотларда режали ва назорат тартибидаги текширувлар, рейдлар ҳамда мониторинглар мунтазам равишда ўтказиб борилмоқда.

Жумладан, Юнусобод тумани бўйича 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида жами 3 та тадбиркорлик субъектларида ҳамда 8 та давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотларда режали текширувлар ҳамда аҳоли мурожаатлари асосида бир қатор тезкор назорат тадбирлари амалга оширилди.

Маҳаллалар ва кўп қаватли уйлар атрофида ўтказилган рейдлар натижасида айрим ҳудудларда маиший ва ўзга чиқиндиларни, қурилиш чиқиндилари, шох-шаббалар ва ҳудудларни тозалаш натижасида йиғилган қуриган ўт-ўланларнинг белгиланмаган жойларга ташланганлиги, айрим ҳолатларда эса уларнинг ёқиб юборилганлиги ҳолатлари аниқланди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларда олиб борилган текширишлар натижасида ишлаб чиқариш ва қаттиқ маиший чиқиндиларнинг табиатни муҳофаза қилиш талабларига зид равишда жойлаштирилганлиги, автотранспортлар двигателлари ишлаш жараёнида атмосфера ҳавосига зарарли газларни белгиланган меъёрлардан ортиқча ташалаётганлиги, таркибида симоб моддаси бўлган, ишдан чиққан люминесцент лампалар табиатни муҳофаза қилиш талаблари асосида ўз вақтида утиллаштириш учун топширилмаганлиги каби ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг талабларини тўлиқ бажарилиши юзасидан тегишли кўрсатмалар берилмоқда.

Ушбу текширувлар, рейд ва мониторинглар давомида мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг талаблари бузилиши ҳолатлари бўйича улар Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 85, 87, 88, 91-моддалари бўйича маъмурий-жавобгарликка тортилди.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати ишлари давом эттирилмоқда.

Умаржон АБДУЛЛАЕВ,
давлат инспектори

Олимларнинг кўп йиллик тадқиқотлари натижасида турли-туман меваларнинг шифобахшлик хусусиятлари маълум бўлди. Кўпгина мевалар инсонни юрак-қон томир касалликларидан ҳимоя қилади. Мевалар кам калорияга эга бўлиб, иммунитет тизимини мустаҳкамлаш хусусиятига эга.

Биласизми?

МЕВАЛАРНИНГ ЭНГ ФОЙДАЛИСИ ҚАЙСИ?

Изланишлар шуни кўрсатдики, ер юзидаги энг фойдали мева, бу — олмадир. Буюк британиялик олимлар олмада С витамини бошқа барча меваларга қараганда кўплигини аниқладилар. Шунингдек, олмада антиоксидантлар ҳам кўп бўлиб, турли касалликлар билан оғришдан ҳимоя қилади ва қондаги холестерин миқдорини меъёрда ушлаб туради.

Олма шарбати оғиз бўшлиғидаги зарарли бактериялар кўпайишининг олдини оладиган моддаларга бой. Шу билан бирга, олма таркибида мавжуд бўлган фитонутриентлар бош мияда юзага келиши мумкин бўлган оғриқлар хавфини камайтиради.

Олманинг таркибида 70-100 калория мавжуд бўлиб, инсон қоматига зарар етказадиган хусусияти йўқ.

Нью-йорклик мутахассисларнинг изланишлари натижасига кўра, ҳар куни олма бошқа мевалар билан қўшиб истеъмол қилинса, кўкрак саратони билан касалланиш хавфининг сезиларли даражада пасайиши исботланди.

Агар ҳар куни 5 донадан олма истеъмол қилинса, респиратор касалликларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли камаяди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга тадбиқ этилган бўлиб, унга кўра, жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ барча кўринишдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва турли кўринишдаги маълумотларни тақдим этиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқиш **odnookno.uz** интернет саҳифасидаги аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу ариза ижросини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали **(my.gov.uz)** орқали ваколатли орган — "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга қулай, тез ва ошкора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Спорт янгиликлари

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ёз болажонлар учун ўзгача шодлик ва шукуҳ олиб келади. Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини тўғри, унумли ва самарали ташкил этиш, уларни ўз орзу-интилишлари, қизиқиши ва лаёқати бўйича ўзлари хоҳлаган соҳага йўналтириш, ёз фаслида мароқли дам олиш ва янги ўқув йилига куч-ғайрат тўплашлари алоҳида аҳамият касб этади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан ёзги таътилни мароқли ўтказаётган болажонларимизни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий урф-одат, анъаналаримизни асраш ва юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш, ҳимоя қилиш, ёшларни бўш вақтларини унумли ва сермазмун ўтказишлари, ўз истеъдодларини намойиш этиш, спорт билан шуғулланиш, билим олиш ва ўз устида ишлашлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Шаҳарча ҳудудида истиқомат қилувчи ёшларимизнинг ёзги таътилни мароқли ўтказишларига кўмаклашиш ва маданий дам олишларини тўғри ташкил этиш мақсадида "Ёзни "Камалак" билан!" лойиҳаси доирасида 29-умумтаълим мактабида ташкил этилган "Юлдузча" номли болалар соғломлаштириш оромгоҳида "Спорт – саломатлик гарови" шиори остида "Биз албатта чемпион бўламиз!" деб номланган кўчма спорт ўйинлари ўтказилди.

— Ёз серқуёш ва оромбахш кунлари билан инсонга хуш кайфият улашади, — дейди "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси М.Эргашев. — Айниқса бу фаслни болажонлар интиқлик билан кутишади. Кенгаш томонидан йил давомида бироз ҳориққан болажонларга янги ўқув йилига куч тўплаши учун турли хил кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари, акциялар ўтказиш анъанага айланган. Бу каби спорт мусобақалари келажакни ёркин тасвирлашга интилаётган болажонларнинг баркамол авлод бўлиб етишлари ҳамда юртимиз байроғини юқори чўққиларга кўтаришда ўз ҳиссасини қўшишга хизмат қилади.

"Юлдузча" болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган болажонлар шахмат-шашка, стол тенниси, қувноқ эстафета ҳамда волейболнинг болалар учун қулай тури юнибол каби мусобақаларда ғолиблик учун курашдилар. Ғолибликни қўлга киритган ҳамда фаол иштирок этган болажонлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Мадина АЛЛАЁРОВА



Ислом Исмоилов олган сурат

ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Баҳрайнда шу йилнинг 13–30 октябрь кунлари 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраётган Жасур Абдураимов бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 6–9 август кунлари ўтказиладиган Марказий Осиё футбол ассоциацияси кубогида иштирок этиши барчага маълум.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи ушбу турнирда иштирок этадиган 18 нафар футболчидан иборат таркибни аниқлаб олди.

Таъкидлаш керакки, 19 ёшгача бўлган футболчилардан тузилган терма жамоалар қатнашадиган турнирда Абдураимов шогирдларидан ташқари Афғонистон, Қирғизистон, Эрон, Тожикистон ҳамда Туркманистон жамоалари қатнашади. Ўйинлар "Жар" ҳамда "Пахтакор" стадионларида бўлиб ўтади.

"CAFA CUP" турнирида иштирок этадиган Ўзбекистон ёшлар термасининг таркибини келтириб ўтамиз: дарвозабонлар — Умиджон Ҳамроев ("Пахтакор"), Умиджон Эргашев ("Насаф"), ҳимоячилар — Ҳусниддин Ғофуров ("Нефтчи"), Хушнудбек Авилов ("Пахтакор"), Ойбек Рустамов ("Қўқон – 1912"), Исломжон Қобилов ("Металлург"), ярим ҳимоячилар — Шароф Муҳиддинов ("Насаф"), Санжар Қодиркулов ("Бунёдкор"), Азизжон Ганиев ("Насаф"), Сухроб Нуриллоев ("Пахтакор"), Саиджамол Давлатжонов ("Динамо"), Достон Ибрагимов ("Динамо"), Хожиакбар Алижонов ("Пахтакор"), Нурилло Тўхтасинов ("Бунёдкор"), ҳужумчилар — Жасурбек Яхшибоев ("Пахтакор"), Бобур Абдухолиқов ("Насаф"), Бегзод Ғанижонов ("Қизилқум"), Азиз Суюнов ("Олмалиқ").

Профессионал бокснинг оғир вазн тоифасида мағлубият нималигини билмай келаётган 24 ёшли боксчимиз Ботирали Мамажонов фаолиятидаги тўртинчи жангини ўтказди.

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСДАГИ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА

Мазкур жангга қадар иккита рақибини нокаутга учратишга муваффақ бўлган ҳамюртимиз, навбатдаги беллашувни ҳам ўз фойдасига ҳал қилди. Аввалига боксчимиз Билли Каннингемга қарши олти раундлик жанг ўтказишни режалаштирган эди. Аммо якунда жангга ўзгариш киритилиб, Мамажонов 4 раундлик тўқнашувда Кортез Ридга қарши рингга кўтарилди.

Бутун баҳс давомида рақибига бир нечта аниқ зарбалар бериб, ўз устунлигини намойиш қилган ўзбекистонлик чарм қўлқоп устасини якунда ҳакамлар бир овоздан ғолиб деб топишди.

ХОТИРА ТУРНИРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тошкентдаги "Чилонзор" стадионида 5-10 август кунлари "Пахтакор-79" хотирасига бағишланган мусобақа ташкил этилади.

1979 йил авиаҳалокатда ҳаётдан кўз юмган жамоа аъзолари хотирасини ёд этиш мақсадида ўтказиладиган турнирда мамлакатимизнинг 12 жамоаси 2001 йилда таваллуд топган тарбияланувчилар билан иштирок этади.

Бухоро, Урганч, Самарқанд, Жиззах, Чуст, Термиз, Қўқон, Олмалиқ жамоалари билан бирга "Пахтакор", "Пахтакор-2" (2002 йил) ва БЎСМ-16 жамоалари турнирда қатнашади.

Ботир ХЎЖАЕВ

НАВБАТДАГИ РАҚИБ — ЭРОН ТЕРМА ЖАМОАСИ

Футзал бўйича Колумбияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритган Хосе Мария Мендез бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси 26 августда Эроннинг Машҳад шаҳрига йўл олади.

Жаҳон чемпионатига тайёргарлик доирасида Ўзбекистон терма жамоаси Машҳадда қитъамизнинг амалдаги чемпиони — Эрон терма жамоасига қарши 2 та назорат-ўртоқлик учрашувида омадини синаб кўради. Машҳадда уюштирилаётган назорат-ўртоқлик учрашувлари 28, 29 август кунларига белгиланган.

Футбол бўйича олий лиганинг янги вакили "Обод" жамоаси давралар оралиғида ўз таркибини иқтидорли футболчилар билан кучайтиришга ҳаракат қилди.

"ОБОД" САФИ КЕНГАЙДИ

Гап шундаки, ҳозирча "Обод" жамоаси турнир жадвалида сўнгги поғонада бораётган бўлсада, аммо ҳали кучлилар сафида қолишга умид бор. Чунки "Обод" биринчи даврадаги айрим учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказа олди. Иккинчи даврада сермазмун ўйин намойиш этишга интилаётган пойтахтликлар ўз сафларига маҳоратли ҳужумчи Темур Ҳакимовни қўшиб олишди. Темур Ҳакимов сўнгги пайтда "Сўғдиёна" таркибида тўп сураётганди. Бир вақтлар Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сафида ажойиб ўйинлари билан мухлисларни қувонтира олган Темур "Обод"нинг ғалабаларига муҳим ҳисса қўшишига умид қилиб қоламиз.

Келажагимиз ворислари — фарзандларимизнинг етук, соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг футболга қизиқишларини янада кучайтириш мақсадида "Локомотив" футбол клуби раҳбарияти "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда хайрли ишни амалга оширган эди.

ҲАМКОРЛИК РЕЖАСИ САМАРА БЕРМОҚДА

"Локомотив" футбол клуби 3-6 ёшли болалар учун "Локо-Жуниор" мактабини очган эди. Жорий йилнинг май ойида клуб раҳбарияти 30 нафар болакайни мактабга қабул қилиш режасини ишлаб чиққан эди. Шу аснода фаолият кўлами кенгайиб борган "Локо-Жуниор" мактабида айни кунларда 100 нафар бола миллионлар ўйини сирларини малакали мураббийлар кўмагида ўрганмоқда. "Локо-Жуниор" мактаби бош ҳомий — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти хайрихоҳлигида болажонлар учун янги танловни эълон қилди. Энди 4-6 ёшли болакайлар танлов асосида мактабда футбол сирларини ўрганишади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

БАРЧАМИЗ БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ

Миллий матбуот марказида Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси томонидан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар ҳамда милиция таянч пункти профилактика инспекторларининг фуқаролар йиғинлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Олий ва урта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши вакиллари, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармалари бошлиқлари иштирок этишди.

Анжуманда бола ҳуқуқлари, оила манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларни маънавиятли, руҳан ва жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётганлиги ҳамда бу масалага давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда ёшларга яхши таълим-тарбия бериш, касбга йўналтириш, турли фан ва спорт тўгаракларига жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ вояга етмаганлар жиноятчилиги қарийб уч баробар камайишига эришилди.

Айниқса, болаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари тизими шакллантирилгани, таълим муассасаларида "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида "Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси"нинг фаолияти йўлга қўйилгани вояга етмаганлар жиноятчилигининг кескин камайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Соғлом она ва бола йилида вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш борасида ички ишлар органлари томонидан бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат бошқарув органи ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда "Ўсмир", "Давомат", "Ўқувчи", "Ғамхўрлик" каби ташкилий ва амалий тадбирларни ўтказиб келмоқдалар.

– Бугунги кунда вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўладиган омилларни бартараф этиш олдимизда турган устувор вазифалардан биридир, – дейди Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси катта инспектори Абдурашид Очилов. – Шуни инобатга олган ҳолда жорий йилда ички ишлар органлари томонидан ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож 40 минг нафарга яқин вояга етмаганлар билан якка тартибда суҳбатлар уюштирилди. Таълим муассасарида, маҳалла ва кенг жамоатчилик ўртасида 60 минг маротабадан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди.

Маҳаллаларда ташкил этилган милиция таянч пунктлари атрофида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун факультатив тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари, спорт майдончалари барпо этилганлиги ҳам вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўзининг самарасини бермоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Абдували СОДИҚОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖда 2016 йил 18 июль – 2 август кунлари ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активлари

1.Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Toshkent Reklama-Servis" давлат унитар корхонаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой ва А.Қодирий кўчалари кесишувида жойлашган 3х6 ўлчамли реклама конструкцияси, бошланғич баҳоси – 9 300 000 сўм, сотилиш баҳоси – 13 900 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси Чилонзор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Дўмбиробод даҳаси, К.Исҳаков ва Сун Ят Сен (Наққошлик) кўчаларида жойлашган умумий майдони 2616 кв.метрдан иборат фаолияти тугатилган собиқ 444-сонли мактабгача таълим муассасаси бино-иншоотлари, бошланғич баҳоси – 5 480 300 736 сўм 27 тийин, сотилиш баҳоси – 5 676 000 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган

ИЖОДИЙ ЗАВҚ БАҒИШЛАЙДИ

Мустақиллик ҳар биримизнинг ҳаётимизга чуқур мазмун-маъно бахш этди. 25 йилдирки, мамлакатимизда кўлами асрларга татигулик улуғвор ишлар, салмоқли ўзгаришлар юз бермоқда, халқимизнинг турмуш тарзи, фаровонлиги ошиб бормоқда.

Юртимиз ёшлари яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, куч-ғайрат ва шижоат кўрсатишлари ва албатта улкан марраларни забт этишлари зарур. Ҳа, бугунги ёшлар истиқлол билан тенгма-тенг қадам ташламоқда. Бошқача айтганда, юртимизда изчил амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг юксак натижалари ҳаётимизда рўйи рост ўз ифодасини топмоқда.

...Пойтахтимиздаги йирик кўргазмалардан бири... боғдаги товус, кўлда сузаётган оққуш, саъва, кучукча, илон, товуқ ва жўжалар... Албатта, бу қуш ва жониворларни биргаликда туришига ишонмайсиз.

— Булар қўл меҳнати оддий қоғозларни учбурчак қилиб, ясаш эвазига яратилган, — дейди Бектемир туманидаги Республика Телевидение ва радио касб-ҳунар коллежининг учинчи босқич ўқувчиси Дилора Абдуллаева. — Тўрт йилдан буён амалий санъат турига кирувчи оригама билан шуғулланмоқдаман. Мактабда унинг бир неча йўналишини ўрганган эдим. Сўнгра қизиқишим ортиб интернетдаги кўплаб сайтлардан соҳага доир фотосуратлар ва видеороликларни йиғдим. Натижада уни янада кўпроқ ўзлаштириб, янги кирраларини кашф этаётирман. Ёш авлод вакили сифатида шуни алоҳида фахр билан айтишни истардимки, истиқлол, биз каби ёшларга жуда катта имконият ва имтиёзларни ҳадя этди.

Бир-биридан чиройли гуллар, қушлар ва ҳайвонлар ясаётган ҳунарманд қизнинг қўл ҳаракатларига қараб, завқингиз ошади. Ахир, оддий қоғозлардан шунчалик чиройли, кўркам буюмлар яратилишини... хаёлга келишини ўзи мўъжиза.

Шу ўринда оригама сўзига бироз таъриф берадиган бўлсак, у япон тилига мансуб бўлиб, "ори" – букланган ва "гами" – қоғоз деган маъноларни англатади. Оригама дейилганда одатда тўртбурчакли қоғозларни буклаб турли буюм ва ўйинчоқларни ясаш тушунилади. У санъат сифатида илк маротаба IX – XII асрларда Японияда пайдо бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб бу санъат Европа мамлакатларига ҳам тарқалиб, ривож топа бошлади. Бугунги кунда оригама алоҳида амалий санъат тури сифатида бутун дунёда ва юртимизда кенг оммалашиб, унинг ҳавасмандлари сони ортмоқда. Расмларга қараб қоғоз буклламларидан турли буюм ўйинчоқлар ясаш болалардан тортиб, катталаргача ҳамманинг тасаввур доирасини кенгайтириб, ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстириши шубҳасиздир.

Дилора оригама йўналишда ясаган буюмлари билан кўплаб танловларда иштирок этмоқда. Хусусан, жорий йилда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Юрт келажаги – ёшлар қўлида" танловининг туман босқичи, Зулфия номидаги давлат мукофотининг туман ва коллеж босқичлари ғолиби бўлди. Айни вақтда Дилора уйда болалар учун тўгарак ташкил этиб, уларга кўзни қамаштирувчи буюмлар ясашни ўргатмоқда.

— Болаларнинг фантазияси кучли бўлади, — дейди Дилора. — Агар кузатсак, улар қўлига тушган оддийгина бир нарсада ўзи хоҳлаган шаклни кўради ва тасаввур қилади. Айниқса, уларнинг қўлига бир парча қоғоз берилса, бола уни хоҳласа қайиқ, хоҳласа самолёт, хоҳласа варрак, хоҳласа геометрик фигуралар шаклига киритади. Бу ўз навбатида ўсиб, улғайиб келаётган болаларнинг маънавий оламини бойитади, уларда ижодий завқланиш ҳиссини уйғотиб, ўз қилган ишидан фахрланиш туйғусини юзага келтиради.

Дилора Абдуллаеванинг бизнес-режаси тайёр. Ўқув йили бошлангач, банк томонидан битирувчиларга бериладиган имтиёзли сармоя олиб, оргамика мактабини очиш ниятида. Шунингдек, йиғган маълумотларини китоб ҳолида нашр эттирмоқчи. Ахир, йилдан йилга санъатнинг бу турига қизиқувчилар сони ортиб бораётир.

Зиёда ВОҲИДОВА

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **5 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра **5 августда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9324

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ. офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Топшириш вақти: 13.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.40

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ